

ХАЛҚ СЎЗУ

ЎЗБЕКИСТОН
КАМАРИЙ 1411 ЙИЛ
ШАВВОЛ, 29-КУН,
ШАМСИЯ,
1370 ЙИЛ
САВР, 25-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд толган

1991 йил 14 май, сешанба, 89-сон

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЯНИ,
СОТУВДА 10 ТИЯНИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ КОМИССИЯСИНИНГ ИШЧИ ГУРУХИДА ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ОЛНЙ КЕНГАШИНИНГ КОМИТЕТЛАРИДА

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 12 май кунини Ўзбекистон ССР Президентининг конституция комиссиясининг раиси И. А. Каримов раислигида республика асосий қонунининг янги лойиҳасининг тайёрловчи комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда комиссиянинг ишчи гуруҳи тузилди ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши навбатдан ташқари IV сессиясининг республика

давлат герби ва байроғини яратиб туғришдаги топшириқларини рўйга чиқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Яқинда ишчи гуруҳлар, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари ҳамда маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни сақлаш комитетлари раҳбарларининг биргаиқиди

мажлиси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Композиторлар ва Рассомлар уюшмаларининг, жамоатчиликнинг вакиллари қатнашдилар. Илгари конституция комиссияси маъқуллаган мадҳиянинг матнига мусиқа яратиш юзасидан конкурс уюштириш, шунингдек терб ҳамда байроғининг янги кўринишларини тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Давлат

мадҳиясининг янги матнига конкурс комиссияси томонидан танлаб олинган мусиқа вариантларини кўриб чиқиш бўйича, Ўзбекистон ССР давлат рамзлари (герби, байроғи) бўйича конкурс нишони ҳамда эксперт гуруҳларининг таркиби, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг янги герби ва байроғини яратиш ишларини уюштирувчи ижодий гуруҳ рўйхати қуйида эълон қилинмоқда.

ЖУМҲУРИЯТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 12 май кунини жумҳурият иқтисодий комитети ҳамда Молия вазирлиги раҳбарияти ва ходимлари билан учрашди. Учрашувда нутқ сўзлаган Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов жумҳуриятнинг иқтисодий идрорларини олдида турган аниқ вазифаларга тўхналиб ўтди. Бозор муносабатларига ўтиш шарафидида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча ишлар тез ўзгараётган иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, жумҳурият халқ ҳужалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларига мувофиқ равишда баъжарилиши лозим. Ҳабул қилганда ёндашувлар ва қондаларини таъинлиқ жараёнлари кучайишининг олдин олишти, бой маҳаллий ресурслардан фойдаланиш асосида ижтимоий-иқтисодий вазиятни изиллик билан олғимша йхшиланган таъминлашга қодир бўлган чинакам, пухта ўйланган чора-тадбирлар билан аниқ ва равшан тўпланиш йўллари ҳақида гап борди.

Кенг доррадаги масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва бозор муносабатларини ривожлантириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, бюджетнинг даромадлари қўшимча манбаларини қидириб топиш, ички бозорни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш вазифалари, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари диққат марказида бўлди.

И. А. Каримов яқунловчи сўзида учрашув қатнашчиларига мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлаш ишлари қандай бораётганини ҳамда жумҳуриятлараро алоқаларини, шунингдек ташқи иқтисодий муносабатларнинг мустақиллигини ривожлантириш ва кенгайтириш жараёнлари муқарраллиги тўғрисида ахборот берди.

Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини босқичма-босқич изчиллик билан амалга ошириш иқтисодчи олимлар ва жумҳурият мутахассисини раҳбар олим фаолиятини кенг уфқларини очиб берди. Шу муносабат билан иқтисодий тадқиқотлар ва меъёрлар илмгоҳининг ишлаб чиқарувчи кучларини ўрғаниш кенгаши ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иқтисодий илмгоҳи, қишлоқ ҳужалиги иқтисодиёти ва бошқа илмий бўлиналар жамоалари жумҳуриятнинг долзарб масалаларини ўртага қўйиш ва ҳал этишда тезгишлича ташаббускорлик қилмаётганликлари, иқтисодий комитети эса уларга аниқ-равшан ижтимоий буюрма бериш йўли билан уларнинг имкониятларини сафарбар эта олганлигини таъкидлаб ўтди.

Иқтисодий мустақилликнинг барпо этилган ҳалдан ташқари қатта тизмалар ўзгари бораётган ижтимоий-иқтисодий вазиятга тезда ўз муносабатини билдиришга ва пухта иш олиб боришга қодир эмаслиги маъмул бўлди. Пулнинг қадриятинини жиловлаш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бошқаруving давлат тузилмаларини ислоҳ қилиш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилишга доир асосланган тақлифлар ва тасвирлар ҳанузгача ишлаб чиқилмаган, жумҳуриятлараро маҳсулот етказиб бериш бароб бўлган шартларда иш олиб боришнинг вадриятлари йўқ. Бизга миллий валюта зарурми, деган масала ҳам қўйилди. Агар зарур бўлса — қандай босқичда, бундай валютани чиқаришнинг аниқ востаси қандай бўлиши лозим? Агар зарур бўлмаса, бунинг сабаби нимада? Жумҳуриятга келтирилаётган хом ашё, материаллар, ёқилги, техника ва халқ истеъмол моллари хусусида бошқа минтақаларга қамроқ қарамлик қандай эришиши мумкин? Қандай давлатлар билан давлатлараро иқтисодий муносабатлар ўрнатиш биз учун мақсадга мувофиқроқ? Республиканинг бутун илмий салоҳиятини ана шу ва бошқа саволлар ечимига қаратиш зарур.

Жумҳурият халқининг маънавияти ва фаровонлигини қадрловчи ҳамма иншлар жиловлаш, ўз қуқайратларини ана шу вазифаларини ҳал этишга қаратишлари керак. Бу вазифаларнинг пировард мақсади чинакам иқтисодий мустақилликка эришишдир.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси умумий иқтисодий комплексига қўйилган вазифаларини ҳал этишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қатнашди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА
Молия кадрларини тайёрлашдаги бошқа корхоналар ва таълим муассасаларининг, республикадаги бошқа корхоналар ва таълим муассасаларининг молия ҳоҳиш-ҳисоб-кредит муаммаларига ахтиёжини янада

«Халқ сўзи»нинг Жигаристондаги мухбирлар қўналғасидан
УНИВЕРСИТЕТ ҲИММАТИ
Ўзбекистон Президент кенгаши аъзоси, ССР халқ депутати, ТошДУ ректори академик Э. Ю. Юсупов бошлиқ университет вазирлари Жигаристонда бўлиб бошга кўфат тушган кўргонликларга таъзия изҳор



БАҲОНА ЭМАС, ИМКОН ТОПИЛСИН!

Биздан қаламқаш бўлганингда ҳам пушаймон қиларкансан. Хурсандчиликдан ёзиш бошқо-ю, фожияни баён этиш бутунлай бошқа. Ахир ким ҳам эзилган юракларини яна тилка-пора қилиб, дардин янгилашни истейди!

Жигаристонда пайдо бўлган янги қабристон тепасидан: Лаблар бештиёр пичирлайди: Аъзу бил-лақд мина-ш-шай-тоонир-рожий.

Бисмил-лақд-раҳмани-р-роҳим...

Нами қуриб улгурмаган тупроқ уюмларига бўзлаб-бўзлаб тикилявди. Ноумид — шайтон, дейишад яхир, зора, бирова... Афсу... Узимизча қайси уйнинг кеврада турганлигини аниқламоқчи бўлявди. Бе-фойда! Охири умидимиз сароб, уринишларимиз беҳуде эканлигини ҳис этамиз. Атрофимиздаги тартиб посбонларига илини билан қараймиз. Ҳам маданият нигоҳи ўша томонда. Нағдани, кўринган борки, кўз элини яширди, худдан фожига бутунлай бошқа. Ахир ким ҳам эзилган юракларини яна тилка-пора қилиб, дардин янгилашни истейди!

Жигаристонда пайдо бўлган янги қабристон тепасидан: Лаблар бештиёр пичирлайди: Аъзу бил-лақд мина-ш-шай-тоонир-рожий.

Бисмил-лақд-раҳмани-р-роҳим...

Нами қуриб улгурмаган тупроқ уюмларига бўзлаб-бўзлаб тикилявди. Ноумид — шайтон, дейишад яхир, зора, бирова... Афсу... Узимизча қайси уйнинг кеврада турганлигини аниқламоқчи бўлявди. Бе-фойда! Охири умидимиз сароб, уринишларимиз беҳуде эканлигини ҳис этамиз. Атрофимиздаги тартиб посбонларига

ели ва Нарғиза, қўйларини топпомай ўлим топан Рашид ака, онаси ва жиянлари дарёда куйётган Устамали аламидан сўзлейин дасем, ярангизга туз саппидан кўркеман. Онелар фарёди тўғрисида ёзишга журъат бормикан! Унинг нима эканлигини билмайдиган ёхуд қис этмайдиган одем топилармикан! Ҳукуматимизнинг гам-қўрқиларини эса сўзасиз, маъбуот, радио, теледандеки бу хусусда хабардор қилиб турибди.

Сизларни, жигарларини, қондошларини, дардқашларини деб атадим. Бунга сира ажабланманг. тошментлик музбир қишлоғимизда бир кун бўлиб қарордан бизга шунчалик яқин бўлиб қолди деб ўйланган. Ававалембор гам-андуқингизга шеримизки. Қолеврса, ўша янги қабристон тепасида, азадор қондошларда бўлганимиз.

Пировардда айтмоқчи эдим: 6 май кунини табиий офат оқи-батларининг туғатиш юзасидан тузилган ҳукумат комиссияси раиси, Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўраёков қийинчиликларни рўқча қилиб муҳим топшириқ ижроси муаддатини чўшга уринган амалдорлардан биринга қатъий қилиб: «Мен билан бақлашганин маън этаман. Кимки элполла-се, жойини бўшатиб қўйсин дебди. Бироз кечикин бўлса-де, жува ўринли нақдани бу гап. Дардқикат, халқ бошга маъна-сибат тушганда баҳона эмас, имкон қидириш керак.

Фаруқ РАҲИМ,
«Халқ сўзи» музбири.
Ушбу суратларда Жигаристоннинг бугунги кунлари аёқ эътирилган.
В. ТУРАЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЯНГИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ УЧУН МУСИҚА ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

1. Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси мусиқаси халқнинг миллий руҳига мос келадиган, Ўзбек классика ва халқ мусиқа маданиятининг энг яхши анъаналарини мўжассам этадиган, элимизнинг миллий гуруҳини, асарлар давомида яратган маънавий қадриятларининг куч-қудратини ва маҳобатини улғулайдиган, порлоқ келажакка, эрк ва мустақилликка бўлган ишончинини ифодалайдиган асар бўлмоғи керак.

Танлов комиссияси (жюри)нинг таркибини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари ҳамда маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни сақлаш комитетлари ва Ўзбекистон композиторлар уюшмаси бошқаруви белгилайди.

Муаллифнинг хоҳиши кўра унинг мусиқаси бир неча солист томонидан ижро этилиши мумкин.

6. Биринчи босқичда танлов комиссияси иккинчи босқичда иштирок этадиган бир неча диққатга сазовор асарини танлаб олади.

Ўзбекистон ССР Давлат мадҳиясининг мусиқаси танланади улғурворлик руҳида янграши, Ўзбек миллий оҳанги билан ангралиб турши, унда эса қолиши осон бўлган раволик билан юксак даражадаги маҳорат мўжассам бўлмоғи керак.

Композиторлик техникасидан хабардор бўлмаган халқ бастакорларнинг мусиқа асарлари танловнинг биринчи босқичида маъқуллангач, композитор билан келишиб туриб ишланishi мумкин. Танловга тақдим этилган нота ёзувларига муаллиф ҳақидаги маълумотлар илова қилиниши лозим. Танлов бир неча босқичда ўтади.

7. Танловнинг иккинчи босқичида иштирок этадиган мусиқа асарларининг икки нусхада партитураси тақдим этилиши керак. Танловнинг бу босқичида мусиқа асарлари аралаш хор ва симфоник оркестр томонидан ижро этилади. Танловнинг иккинчи босқичида чиққан барча муаллифларга симфоник оркестр ва аралаш хор билан ишлаш имкони ва дирижер танлаш ҳуқуқи берилди.

8. Танлов комиссияси иккинчи босқичга тавсия этилган асарлар орасидан икки-учта мусиқа асарини танловнинг унчи босқичида ятлашиш учун овоз бериш йўли билан саралаб олади. Мусиқа асарларини муҳокама қилишда танлов комиссиясининг аъзоларидан ташқари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, шунингдек Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси томонидан тақлиф этилганлар қатнашиши мумкин.

2. Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси мусиқаси мазмуни билан ҳам, миллий руҳи билан ҳам, бадий тереинлиги билан ҳам Ўзбекистон ССР конституция комиссияси «Қўнғиртов» таъдидида «Қўнғиртов» шеърининг матнига тўла мос келиши керак.

5. Янги Давлат мадҳиясининг мусиқаси танловни очиб ўтказилди. Ўзбек миллий мусиқа оҳангларининг жозибдорлиги ва нозик фодаларининг ўзинга хошлигини, уларни нота ёрдамида тўлақонли ижро этиб бериш мумкин бўлмаганлигини ҳисобга олиб, муаллиф ёки ҳаммуаллифлар мадҳия мусиқасининг дастлабки ижроси маъшида бевосита қатнашишлари танловда назарда тутилган. Дастлабки ижро мадҳия мусиқаси муаллифининг ўзи тавсия этган солист томонидан ижро этилади ҳамда фортепьяно ва бошқа мусиқа асбоблари унга жўр

9. Унчи босқичда — танлаб олинган мусиқа асарлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, республика радиоси ва телевидениеси орқали ижро этилади. Кенг жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда икки энг яхши мусиқа асарини танловнинг иккинчи босқичида иштирок этадиган мусиқа асарларининг икки нусхада партитураси тақдим этилиши керак. Танловнинг бу босқичида чиққан барча муаллифларга симфоник оркестр ва аралаш хор билан ишлаш имкони ва дирижер танлаш ҳуқуқи берилди.

10. Ўзбекистон ССР конституция комиссияси Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат мадҳияси мусиқасини шеърли матни билан бирга тақдирлаш учун Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига тақдим этади.

КОНКУРС КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ТАНЛАБ ОЛИНГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ЯНГИ МАТНИГА МУСИҚА ВАРИАНТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚУВЧИ ЭКСПЕРТ ГУРУХИНИНГ ТАРКИБИ

1. Жабборов Аҳмад Ҳамидович — Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқарувининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, гуруҳ раҳбари

2. Абдуллаев Рустам — композитор, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқарувининг котиби, Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати

3. Акбаров Икром Илҳомович — композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати

4. Бафоев Мустафо — композитор, Ўзбекистон ССР Давлат телекўрсатуви ва радиодивизионининг комитети Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг бадий раҳбар ва бош дирижер

Водиларнинг дёв кезганда...

БЕМОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК
ТОШКЕНТ шаҳар Собир Раҳимов районидagi 34- поликлиника қошда кундузги даволаш бўлими иш бошлади.
Бу ердан шифо топиш истегини билдирётганлар сонини кун сайин кўпайиб бораётган. Беморлар эрталаб шифононга келиб, кун бўйи турли муолажаларни олишгач, кечқурун уйларига қайтишади.

ВАТАНДОШЛИК ИПЛАРИ БОҒЛАНМОҚДА
ВИШКЕН. «Қирғиз эли республика мамияти ҳоринидаги қирғизлар билан алоқа ўрнатилди.
XX еср бошларда кўплаб қирғизлар чет элларга кетиб қолган. Ҳозир Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Туркия, Иордания, Саудия Арабистони, Австралия, Мўғулистонда 3 миллионга яқин қирғиз истикомат қилмоқда. Шунингдек, улар Русия, Украина, Ўзбекистон, Тожикистонда ҳам муҳим яшамокдалар.
«Қирғиз эли тарихлик автандошлар билан мулоқот ўрнатилиши аҳмиасига олган. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Вазирлар Кенгаши жамиятга 50 минг сўм ажратди.
Раҳим КАРИМ.

АНЖИРЗОРЛАР ҚАЙТА ТИҚЛАНЯПТИ
УРГАНЧ. Мадҳир бобилар Тўли Муҳаммад билан Қўзи Қурбон район аҳолиси ва ҳужалиқларини амжир қўчети билан таъминлаш иммияларига олинди.
Абдулла СОБИР.

РАЙОНДАГИ Чакнашолкор
ае Юкори Дўрмон қишлоқлари ақли азелдан анжир етиштириб келган. Аммо кичик қишлоқларини йиркилаштириш беҳудеда беҳисоб анжир деректлари қийратиб юборилди. Натияжада бу шифобаш мевва Хоразм бозорлариде кешми камайиб кетди.
Ҳозир завият ўзгарди. Кейинги уч йил ичиде Юкори Дўрмоннинг Ҳисобдон, Арабкўл ҳамда Чакнашолкорнинг Анжирчи маҳалаларидаги 250 дан энгд қондоннинг шахсий боғларида 30—40 тупдан анжир деректи ўстирилмоқда. Калинин ва Керл Маркс коммуни жамоа ҳужалиқлари мутавасселари ҳам анжирчиликка қизиқиб қолди. Бу ҳужалиқлардаги анжирзорлар шу босқорда яна 6 гектарга кўпайди.

ТИЖОРАТЧИЛАР... КОНЦЕРТИ

УЛЬЯНОВ. Матлуботчилар халқ чолғу асбоблари ансамблини туздилар. ЕТАКЧИ чолғучи Баҳром Мирзеев ҳисобчилик қилса, қушоғоз хонанда Шодикул Жўраев савадо ходими бўлиб ишлейди. Бошқа ижрочи ва режиссарлар ҳам савадо ходимлари. Улар район маҳалат эҳди ҳузурда концерт дастурларини немойиш этишиб, хамюртларни олқинишни олмақдалар.

ИШЧИЛАР ҲИМОЯГА ОЛИНДИЛАР
БУХОРО. Чакана нархлар ошиши билан вилотдаги 12 та корхона ўз ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларга қўшимча пул тўлишни жорий этди.
Бухоро ёр-экстракция завод раҳбарлари ва кесбае уюшмаси ҳар бир ишчига корхона ҳисобидан ойинга 100 сўмдан қўшимча беришга келишдилар. Бундан ташқари давлат томонидан берилган 60 сўмга мей ойдан бошлаб корхона ҳисобидан яна 40 сўм қўшимча қарор қилинди.



Навр ақли орасида ҳарф терувишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Фориш район боғхонасида ҳарф терувиши Ҳикоят Суматова ҳам ана шундай кадр билади...

дириб Ўзбекистон халқ депутатлиги сайлашди. Ҳикоятон Фасол депутатига эмас, шунда кўпчилигининг севимли устози ҳамдир. СУРАТДА: Ҳ. Суматова шогирди Н. Худойбердиева билан. Нўмон МУҲАММАДЖОН олган сурат.

ТАЪЗИМ

Одатда кутловни таниқли шоиру ёзувчиларга, олиму давлат арбобларига ёзувчи эдик. Матбуотда бу кондони ким, қачон жорий этганини билмадик, охири — билишга ҳам қизиқмадик. Бугун мен бирон жойда ёзилган ёки ёзилмаган, расмий ёхуд норасмий ушбу кондони бузишга қарор қилдим ва энг шарафли, масъулият мушаккабли касб эгасига кутлов битиб, таъбир жоиз бўлса, таъзим бажо келтирмоқчиман. Бу киши самзаткор эмас, аммо уларга бўлбўлад қайрашни ўргатган, шулар ёки ёзувчи эмас, бироқ ақли жодалкорга илк бор қалам ушлатган, олимлар қўлига илм сандиғи қалитини тўқатган, амалдорни эса лавозим лилла-поилари сари ундаган. Афсуски, бу таъбирку зотлар ҳозир ўзлари дебтастайи қайт сабоини берган кўпгина шогирдларининггина эмас, балки инсонпарвару адолатпарвар сенамлики жамиятимиз назаридан ҳам бироз четда қолган.

Агар ар юзюда буюк аждодларимиз: аломому ақоблар, фозилу фузалорлар, ақли доғушу нури сиймолар ёки бети маърифат ўноқи ҳақи сўнмаган, инсоният зағу ниёллар, пок тўнгулар билан яшавган, ўзаро меҳру муҳаббат, ҳуш ахлоқу гўзал ва нафис муносабатлар барқарор экан, буларнинг барчаси камтарини камсукум, худди шу ҳислатлари билан буюк бўлган бизнинг биринчи муаллимларимиз хизмати тўғрисида.

СССР халқ маорифи аълочилиси Мутал ака Маннонов билан суҳбатлашарканман, шу хабарлар гирдобига эдим. Бугун табаррук 70 йилини нишонлаётган бу зот бутун онгли ҳаётини болалар орасида ўтказди. 52 йил мактабда ишлаган олми, оғирми эканлигини қайта шу касбининг меҳнату машаққатини, куваичу ташвишини қалбдан ҳис қилмадикан ўқитувчиларимиз тўғри жавоб беришлари мумкин. Ҳа, айтмоқчи, доғлини ҳам бор. Бу 1942—1945 йилларга тўғри келади. Мутал ака фронтдан қайтган, ўз касбини давом эттирдикан, маълумоти, билими ва таърибларини тинмай ошира берди. Постаттининг Октябррайони маорифчилари устоз муаллимини ёзозлашлари бежиз эмас. У ҳақузага касбга маорифнинг аълочилиси манунасини кўрсатиб самарали ишлаётган. Базан худбин ўйларга берилсан киши. Ешлари өтмишга бориди, атти фарзандни вога өтказиб, уйл-жойли қилбдилар. Жамиятга хизматлари сингиди. Ҳа, энди өкб узашиб, неварачевларини бағрига олиб өтсалар бўлмасмикан! Унинг серҳаркат, ички муассасига, самияят барқуриб турган серажини чеҳрасига, нури кўзларига тикиларканман, бу хабарларни дерҳол қувадим. Йўқ-йўқ! Бу одем ўзгача ишай олмайдикан.

Мутал ака умрининг мазмуни ақс этган ҳужжатларни раққлай туриб, бир дафтарга узоқ тикилиб қолдим. Унга доғлининг азиз фарзандларига ўғиту насихатлар битилган экан. Овоз чиқариб ўқийман: «Қаерда, қайси лавозимда ишлаган, хушфаъл, хушхлоқ, ширин-сухан бўлинглар...»

БЎРОНДАН КУЧЛИ, ОФАТДАН УСТУН

Майнинг дастабки ўн кун байрамларга бой. Лекин у бурхоралик учун сөрташини келди. Суруқасига уч кун давом этган бўрон айлотадаги экинзорлар, боғ ва тоқзорларга жондан зарар өтказди. Республика Кишлоқ ўқувчилиги вазири раҳбарлари, етакчи мухассислари табиий офат рўй берган кунинг даҳқонларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Бухорога қўнаб кетган эдилар. Муҳбиримиз паттаччилик бошқармасининг бошлиғи Р. НАЗАРОВдан Бухоро вилояти далаларидики вазири шарафлар берганини сўрадик.

— Табиат даҳқонларимизни қаттиқ синовдан ўтказмоқда. Яқингинада Қорақалпоғистонда рўй берган кунинг жала оқибатда экинчиларнинг қариб ўчди бир қисми шикастланган, қатта майдонларга қайта уруғ экишга тўғри келган эди. Энди эса табиий офат Бухоро вилояти далаларига өлтирилди. Бу ерда суруқасига уч кун Кишлоқ тарафидан кум аралаш чағ-бўронни ўқирдик. Ғуза, маканқўрор, озуқа экинлари, палла ва сабзавот экинлари табиий офатдан шикастланди. Боғ ва тоқзорлар, тутзорларни бирон қиличи аёвсиз қаллақлади. Шахсий торморқа хўжалиқлари айниқса қатта моддий зарар кўрдилар. Табиий офат оқибатларини тугатиш буйича айлота ва район штаблари тафотат миқдасларини аниқламоқдалар, даҳқонларга уруғлик, ўғит ва бошқа зарур ашёлардан ёрдам кўрсатишмоқда.

Бемаврид өлтирилган бўрондан пиллачилар айниқса қатта зарар кўрдилар. Бинобарин, қозир улар учун энг долзарб палла — пилла кўртини жадал озиқлантириш зарур. Ҳолбуки, табиий офат оқибатда тут даракларининг берглари бужмайиб қолди, кўп жойларда эса дараклар умуман бергиз.

Олот районидики Круқская номили, «Шарқ юлдузи», «Партия XXII съезди», Қорақул районидики «Москва», «Ўзбекистон», «Бухоро», Бухоро районидики «Провод», Свердлов районидики «Партия XXVI съезди», Оқунобобое номили колхозлар, Ромитан районидики Иби Сино номили совхоз, Пашу районидики Свердлов номили колхозда гўза ва бошқа экинчиларнинг ўчди бир қисми пайхон бўлди. Свердлов районидики Свердлов номили колхозининг Исроил Гадове бошлиқ бригадаси далелариде пахта майдонларининг тенг ярми кум остида қолиб кетди. Пашу районидики Фрунза номили колхозининг Равшан Мардиев бошлиқ бригадасида ҳам ана шундай манзаранинг



Суҳбатдош Н. ШАКАРОВ.

Бир ўлиб икки тирилган бормикан? МАШРАБ.

«50-йилларда ўзбек матбуотини қатта қизиқтириш билан ўқирдим — деб хотирлайди, бегободлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Турсуни Амрхонов. — Ўша кезларнинг Ориф Юнус деган ўткир қаламли муаллифи бўларди. Кун ўтди, ой сўнг йиллар, Ориф Юнус негандир кам ёзадиган, сўнг ёзмайдиган бўлди. Кейин билсам, уни роса сиқувга олишган экан».

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганди. Машҳур фельетончи Ориф Юнус не кунларни кўрмади, дейсан! У мушкул аҳволда қолган бечораларнинг ёнида туриб, дийнатсиз кишиларга қарши борди. Хузуур-халоватидан кенчиб, ўзгаларни ўйлади, ўзгалар ташвишида елиб-юғурди, қуйиб-ёнди. Оиласи озиқ-овқатга, уст-бошга ёлнимадди. «Нега дурустроқ кийинмайсан?» — деб уни қийнашди. Арзимаган маош ва қалам ҳақи билан нима ҳам қилиб бўларди! Ориф ана ўзидан ўтганини фақат ўзи биларди. Соф виждонли, ҳалол, имони мустаҳкам кишилар уни беҳад ҳурмат қилишарди. Камтарини қаламшак учун ана шунинг ўзи қатта инъом эди.

Ориф Юнус 1948—1962 йилларда «Қизил Ўзбекистон» (Ҳозирги «Совет Ўзбекистони») рўномаси муҳарририятида ишлаб, эндиликка биз турғунлик йиллари деб қоралаб турган дарда ўти сўзи билан қабохатга қарши «уруш» эълон қилди. Ўша замоннинг ҳақиқий наҳрамонига айланди. Афсуски, «жанг»ни давом эттиролмади, қора кучлар уни тормор эттирди.

«1962 йилнинг 19 июни ҳаётида энг қора кун бўлди, шу кунни мени тўхмат билан партиядан ўчиришди, ишдан ҳайлашди. Мажлисда тарафинини олган кишиларни эса қаттиқ жазолашди» — деб эслайдик Ориф Юнус.

Одамлар адолат маҳкамаси деб астойдил ишониб келган муҳарририятнинг эшиғи ўша кундан Ориф Юнусга тақа-тақ ёпилиди. Уни бу ерга қадам бостиринмади. Во, дариг! Ун тўрт йил шу дарда қалам ишлаб, ўл хурматига сазовор бўлган жасур фельетончининг қалами синдирилди. Кўзалари тиниб, қай тарафга боришини билмайдик қолди. Ўзбекистондан — ўзи туғилди ўстан юртдан наҳот топа олмаслиги аниқ бўлган. Москвага қанчаки қатта раҳбар бўлса, ҳаммасига ёлди. Ҳатто қара-қавола қўли у ерга бориб ҳам келди. Йўқ, ҳеч ким ёрдам бермади. «Адолтапеша»ларнинг қулони кар, кўзи кўр бўлиб қолгани, рост эди.

Ориф Юнус ҳаммиса одамларнинг оҳу ноласини тинглаб келганди, бошига тўхмат тошлари ёғила бошлаганда унинг доғини эшитувчи адолатпеша топилмади. Лекин меҳри дара одий меҳнаткашлар Ориф Юнусни баҳоли қудрат қўллаб-қувватлашди, кўнглини кўдаришди, ҳамдард бўлишди. Буни қўриб-билиб турган мухлифлар фельетончини обрўсизлантиришга — интилдилар. Вола-чақасига бир бурда нон топиб бера олмайдик кўча-кўйларда очу наҳор қаловлалиб юрган бечора ҳақида матбуотда янволар уюштирилди. Мана, ушлардан бирнда нималар дейилган:

«Одамлар орасида бир кимса писиб юрибди. Утиришларда, маъракада, трамвай-троллейбусларда гоҳо соядек липиллаб ўтиб қоладик, шарпадек бир кўза ташланади-ю, ана гоийб бўлади. Негадир кўзлари ҳақида келиб қолган қўрғани шекли, олазарам бўлиб орқа-ўнгитга тез-тез қарайди, уч-

рашиб қолсангиз кўзингизга тик қарай олмайдикан. — Тўхта, сен кимсан ўзи? — У юришдан тўхтайдик-ю, бошини товқудай ичига тортиб, баттароқ солинтирадик, аммо жавоб қайтармайдикан.

— Айт, исминг нима? — Жавоб йўқ.

— Нега одамларнинг қозирга тик боқолмайсан? — Ердан садо чиқса чиқадик, аммо ундан садо чиқмайди.

— Гапир, нега кўзларингизни олиб қочасан? — Нимани ҳам, нима деб ҳам гапирсин! Покиза, ҳалол кишилар сўзига қилган тўхмату бўҳтонларини, не-не азамат наҳқирон йитилганнинг ёстигини кўритганини, Анҳор бўйидаги сўрида маншат қилиб, маст ҳолда ёган тўхматларини?

— Сўхбатиниям, мақолалиям ўқиб чиққанам, — дейди Ориф Юнус. — Уқаладим мени марҳумлар қаторига қўшиб қўйишибди. Лекин ҳар иккаласидан ҳам ранжиганам йўқ. Ансинча, ҳурсанд бўлдим. Матбуот-

деган фельетончи бўларди. «Совет Ўзбекистони»да кунора фельетонлари чиқиб турарди. Эҳтиётсизлик қилиб Каттаининг узоқ бир қариндоши ҳақида фельетон ёгани учун бадном қилинди». Бу гапларни оғир дард билан айтган Неъмат Аминов мазкур суҳбатда Ориф Юнуснинг энг сара фельетонларини жамлаб, алоҳида бир китоб қилиб босиб чиқариш керак, деган масалани ўртага қўйган эди. Журналист Шароф Убайдуллаев «Гулустон» журналида босилган (1989 йил 5-сон) мақоласида бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Одамларнинг қувончи, ёру дўстларининг шодлиғи, таланти, онла бахти — қуллас ҳаётдаги жамини пок, гўзал нарсаларнинг ҳаммаси унинг қора қалбини иштиробга соларди. Қоғоздек оппоқ нарсали қора дейишчи, алафдек тўғрини эгри деб кўрсатишчи, содда ва самийини кишиларни гаразгўй дейишчи яхши кўрагўй бўлганда ҳам жуذا эсини, тажрибалиси эди у, шундан гапирсинми?!»

Мазкур фельетонда қолпоқ даялар агар рост бўлганда эди, ҳаддан зиёд кучли, уйдабуру рақиблар Ориф Юнусни қамқоҳоналарда қиритиб юборган бўлардилар. Тўғри, ўша пайтда фельетончини бот-бот прокуратурага қақиртириб туришди, лекин ҳар қанча уринишмасин, ундан айб топа олишмади.

Ориф Юнус учун ўта ташвишли йиллар ўтди. Ойнинг ўн бешини қоронғи бўлса, ўн бешини еруг деганларига бор экан. Не саҳтими, ҳаётининг умидини узиб қўйган пайтда ун ҳам йўқлайдиган яхши замон келди. Республикамаз матбуотида умидбахш сўзлар пайдо бўла бошлади. Чунончи, таниқли сатирик ёзувчи Неъмат Аминов билан ўткир қалам соҳибни Қулман Очилоннинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1988 йил 8 июль) ҳафтаномасида босилган суҳбатда бундай дейилди:

«Муштумда ўн уч йилча ишладим. Сатирик ёзувчи учун керак бўладиган анча ҳаётий тажриба тўпладим. Ҳа, ўшанда фельетон ёзиб осон эмас эди. Умуман, ўзбек фельетончиларига осон бўлмаган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий «Муштум» чиқариб, фельетонлар ёзмаганда, эҳтимол қамалиб кетмасмикан... Комил Алиев, Фулом Ғофуров, Ғози Юнуслар ҳам эътибор топмасдан ноубуд бўлдилар.

Сиз ёшсангиз, эслай олмагангиз керак. Ориф Юнус

садида кўплар билан учрашдим, одамларнинг юрағи доғ бермади... Хайрият, мард топилди. Мақола 1990 йил 4 апрелда «Ўқитувчилар газетаси»да (бош муҳаррири А. Долимов) «Қисмат» сарлавҳаси остида босилиб чиқди. Рўнома муҳарририяти мақола ҳақида муштарийлардан кўлаб хатлар олди, улар «Акс садо» умумий сарлавҳаси остида чоп этилди.

Шундай қилиб, Ориф Юнусга йўл очиб берувчи нашрлар сафи кенгайа берди. «Қишлоқ ҳақиқати»да унинг адолатсизлик оқибатида ўқувчиға етиб бормаган «Холи хароб, бағри каюб» сарлавҳали (1990 йил, 12 май), кейин «Икки Шокрижон», «Торт-торт» фельетонлари берилди.

1990 йилнинг 8 августиде Ориф Юнус ҳаётида уну-

«Хурматли Ориф ака Мен Сизни кўп вақтлардан буюн эслаб юрардим. Сиз тўхматларга ноҳақ учраган экансанда, афсус! Мен фельетонларингизни ҳар доим ўқиб қавқанардим. Сиз Комил Алиевдан кейин ҳақиқий ишлаб юрар эдингиз...»

«Уша вақтда нотўғри ишлар жуذا кўп бўлган экан. Хайриятки, замонлар ўзгарди. Емонларга қирон келсин! Сизга узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилайм!»

Носиржон ПОЧТАЕВ. Қўдон шаҳри.

«...Ориф ака! Бу хатни самарандлик дўстингиз ва шогирдингиз Нарзиқул Мансуров ёзаптир.

Сизнингизда, 1936—37 йилларда «Ленин йўли»да ишлаган эдим. Сиздан кўп нарсалар ўргандим. «Умр» шеърини қўлингиз менда бор эди. Уруш даврида йўқолиб кетган. Ҳатто газеталарда «Пантрос карокас» шеърингиз ҳам сақлаб, авайлаб юрган эдим. Бу ҳам йўқолди.

Сизнинг соғ-саломат эканлигингизни Аҳмаджон Мухторов телезорда чиқиб гапирганидан кейин билиб, жуذا хурсанд бўлдим... Хайр, кўришгунча соғ-саломат бўлинг!»

Ориф Юнус дил сўзлари битилган бундай мактубларни қайта-қайта ўқийди, ҳаяжонланади. ўтган кунларини хотирга келтиради. Албатта, хат муаллифларига ўз вақтида жавоб ҳам қайтарган эди...

Яқинда Ориф ака билан узоқ суҳбатлашдик. Фурсатдан фойдаланиб, ярим асрлик тарихга эга бой кутубхонасини тўлалигича «Халқ сўзи» муҳарририятига таъдими эътиборини муносабати билан бир қасбдош сифатида миннатдорчилик билдирдим. Кейин одамлардан келган хатларни биргаликда кўздан кечира бошладик.

— Мана бу мактубни жиззахлик биродарим, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Туроб Қодировдан олган эдим, деди маънос тортиб Ориф ака. — Ҳақиқатгўй, пок инсон эди. Яқинда оламдан ўтибди. Аллоҳ раҳмат қилсин!

«Мен сизни таъриқлаш учун олдингизга боришим керак, — деб ёзган экан Туроб Қодиров. — Ҳозир қалсал өттиман. Соғайсан, албатта бораман».

Аттанг! Вевафг умр эканда! ...Ориф Юнус ҳар кунни тонгни завқ-шаққ билан қаршилайди, соф, ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олади. Бу тонглр — умрининг янги тонглари. Ҳа, у қайтадан дунёга келди.

Фельетончиликда ўзига хос мактаб яратган атоқли журналист Ориф Юнус келгуси йилда кутлуг 80 ёшга қиради. Бу сана муносиб нишонланишдан умидвормию.

1958—1960 йилларда сўзда «Танқид бу мақола билан суьдай



Одамларнинг қувончи, ёру дўстларининг шодлиғи, таланти, онла бахти — қуллас ҳаётдаги жамини пок, гўзал нарсаларнинг ҳаммаси унинг қора қалбини иштиробга соларди. Қоғоздек оппоқ нарсали қора дейишчи, алафдек тўғрини эгри деб кўрсатишчи, содда ва самийини кишиларни гаразгўй дейишчи яхши кўрагўй бўлганда ҳам жуذا эсини, тажрибалиси эди у, шундан гапирсинми?!»

Мана бу тошини қаранг, у Владикавказдан Цициповга озми-оват олиб нетаётган юк машинасининг пешойнасиға ташланган. Қардошларининг қомини тўниш режаси, ҳусумат қардари пайдо бўлди! Бу аюваларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак!

Украинликлар ҳам ана шундай йўллар эчиде беш иотирмондалар. Днепротроветросдаги «Коминфот» клуб-бизнеси ташкил топди. Эндиликда Днепр бўйидаги тадбиркор одамлар ва уларнинг маҳмонлари бу ерда нафақат ижтимоий-сийсий масалалар, турли муаммолар ҳусусида баҳслашадилар, балки ҳамкорлик шартномаларини имзолайдилар, ҳам дам оладилар. Улар учун бу ерда ҳамма шароит мўнда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Кейли» тош. 2. Клуб-бизнесининг йўргазмалар бўлими ижтимоари Е. Новичкая (чапда) ва референт Е. Фролова.

Г. ХАМЕЛЬЯНИН ва А. КРАСНОЖОН олган суьратлар (ТАСС).



Мамлакатимизда содир бўлаётган галати воқеалар кўпчилигининг тикмасини кўридик. Мана бу тошини қаранг, у Владикавказдан Цициповга озми-оват олиб нетаётган юк машинасининг пешойнасиға ташланган. Қардошларининг қомини тўниш режаси, ҳусумат қардари пайдо бўлди! Бу аюваларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак!

1991 йилда Жавоиди йил

ЁДАВ ОЛИНГ

МУҒ ДАЙРИДА ДАСТ БЕРСА БИР ЛАҲЗА ФАРОФ
КИМ, МУҒБАЧА ИШКИДИН ҚИЗИҒ БУЛСА ДИМОҒ.
УЛ ТУТСА МУҒОНА ЛАҲН ИЛА ҲАР ДАМ АЕҒ,
БОШ ОЛСАМ АЕҒИДИН КЕРАҚ БОШИМА ДОҒ.

Навоийни тушунмоқ учун



- ГАРДУНСАРИР — баланд улкан тахти; қудратли шах.
- ГАРДУНСОЙ — кўкка теғувчи, жуда юксак.
- ГАРДУНХАРОШ — осмонга тақалган, осмонни тирнаган.
- ГАРДУНХИРОМ — кўнда кезувчи.
- ГАРДУНШУҚУХ — энг юқори, шон-шавкатли.
- ГАРИ — арзирли, лойиқ, муносиб.
- ГАРМ — 1. иссиқ, қайноқ; 2. жозибали, жўшқин; 3. тез, қизғин; 4. қаттиқ, қатъийлик билан;
- ГАРМКИН — ўта қаттиқ гима, душманлик.
- ГАРМИНАФАС — юракдан чиқадиган таъсирли сўзлар.
- ГАРМУҒИ — тазорар, тез чопар.
- ГАРМРАВ — йўрга, қаққон, тазорар.
- ГАРМУР — иссиқ юзли, юлдузи иссиқ, ошиқ.
- ГАРМУХУЙЛУК — оташмиқоз, аччиқланувчи.
- ГАРМ ҲАНГОМА — зақшавқ рўй бериши.
- ГАРОЙ — сўз бирикмасида холловчи, яхтиёр қилувчи маъноларда келади.
- ГАРОН — 1. оғир, ваазин; 2. қимматбахо, қадрли.
- ГАРОНА/КАРОНА — соҳил, киркоқ, чак, чағара.
- ГАРОНБОР — оғир юкли.
- ГАРОНЖОНЛИҒ — ваазинлик, оғирлик, босимлик.
- ГАРОМЗОЯ — қимматбахо, қимматли, асл.
- ГАРОНСАНГ — оғир тош, оғир, ваазин.
- ГАРОНХОБ — уйғонмас, қаттиқ уйқуда.
- ГАСҲ — 1. айланмиш, сөйр қилиш, кезиш; 2. ҳаракат, юриш; 3. сафар.
- ГЕТИНАВАРД — дунё кезувчи, жаҳонгашта.
- ГЕТИНАМО — ойнаи жаҳон, жаҳонни кўрсатувчи.
- ГЕТИОРОЙ — жаҳонни бозовчи, жаҳонни зийнатловчи.
- ГЕТИПАНОҲ — ҳаммага панок, соғбон, бутун дунё соғбони.
- ГЕТИСИТОН — ер юзини олувчи.
- ГЕТИФУРУЗ — олам ёригувчи.
- ГЕЧ — ҳайрон.
- ГИЛ — пой, балчиқ.
- ГИЛА — гина, ўлкалаш.
- ГИРДА — донра, тегра, атроф.
- ГИРДОБ — уйрум, куюн.
- ГИРЕН — йиғловчи, йиғлаб турган.
- ГИРИБОН — ақа, кийим ақаси.
- ГИРИФТ — олиш, чағ солиш, дашном бериш.
- ГИРИФТОР — 1. гирифтор, банд, асир, мақдум; 2. ошин.
- ГИРИҲ — 1. туғун, чигил; 2. эриқлик, кингирлик; 3. мушкуллик, қийинчилик.
- ГИРИҲУШОЙ — туғунларни етувчи, қийин ишларни ҳал қилувчи.
- ГИСУ/ГЕСУ — соч, зулф, ўрилган соч, кокил.
- ГОВ — ҳўкиз (Афсонага кўра гўв ер ҳўкиз хоҳида, у эса балиқ устида, балиқ сувда турар эмиш).

ЯНГРА, ДОЙРА!

Андижон вилоятида ўтказилган «Зарб — 91» кўрник-таълимий иштирокчилари «Энг яхши ижодий жамоа» ва «Энг яхши доира» номи учун мусобақалашдилар. Мусикий бөлашуви Ўзбекистон талқ артисти, машҳур дойрачи Олим Комилов хотирасига бағишлаб ўтказилди.

Уз иккун маҳоратини намоён қилиш ва куч синашиш учун Андижонга вилоятнинг турли бурчларидан ҳамда қўшни Қирғизистондан жамоалар ва ҳалқ истаъодларни келишди.

Ижодий жамоалар орасида биринчилигини Комилжон Ҳакимов раҳбарлигидаги «Ўзбекистон оҳанглари» ёш дойрачилар ансамбли олди. Яққон ижрочилар орасида эса бир йўла тўрт нафар ёш истаъод соҳиб — Юсуфжон Юнусов, Олим Ҳакимов, Ҳусниддин Баҳромов, Хотирахон Тешбаевлар галиб чиқиди.

(У.ТАГ).

«СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!»

Она табиятни ардоқлаш, унинг бебаҳо бойликларини ноз-неъматларидан оқилона фойдаланиш айниқса бугун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандамда ана шу бузуқ муаммони зурга қатъий ташламои зарур. Биз йиллар давомида «Табият ва инсон» деган конкурсларни юзани кўзда тутиб, лекин кўлаги кирта олмадик.

Ана шу муаммодан келиб чиққан ҳолда ҳамда юқорида келтирилган мақсадларимизни юзга чиқариш, дийрмизининг ҳайвонот ва наботот дунёсини асраб қилиш ниятида, Тошкент вилоят табияти муҳофазаси қилиш комитети раҳбарияти хайри ишга қўл урди: «Табият ва инсон» кўшсаҳифаси юзга келди. У яқин орада машҳур комитетнинг муваққил нашрига айланади.

— Бир-икки ой ичиде рўномамиз муштарийлар қўлига мунтазам етади, — дейди муҳаррир вазирасини бажарувчи Тошкент вилоят табияти муҳофазаси қилиш комитети матбуот бўлими мудири Р. Собиров. — Аввалда у ойда икки мартаба чиқади. Кейинчалик 8 саҳифадан иборат ҳафталик рўномага айланади. Бунинг учун қисқа давр ичиде кўп заҳмат чекиб, анчагина ишларни амалга оширишга тўри келади. Энг асосийси — қозғос масаласини ҳал қилиб олишимиз лозим. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бизга бир йилга 20 тоннага яқин қозғос керак экан.

Рўномамизни ўзбек ва рус тилларида чиқариш ниятидамыз. Ҳама 14 ходим ишлайди. Маошлар 350 сўмдан 600 сўмгача белгилана-

ди. Биринчи навбатда 20 минг нусхаи назарга олиб иш тутмоқдамиз. Бу тадбирлар учун комитет бизга 300 минг сўм акратиш имкониятига эга. Рўномамиз боғча ёшидаги болалардан бошлаб, олийгоҳлар толибларни ҳалқ ҳўжалигининг барча тармақлари жодимларига мўлжалланган бўлади.

Машҳур кўшсаҳифа «Табият ва инсон» рўномасининг нишона сони бўлиб «Тошкент ҳақиқати»нинг 20 апрель сониде босилган. Сиз кўшсаҳифада «Табият ва инсон» ҳафтаномаси таҳририятининг «Азия муштарийлари» гуруҳомасини таҳририятининг ўқишнинг ҳўжжати. Унда рўномамизнинг йўл-кўриги, кўтариб чиқадиган муаммоларни олдида турган муваффақият бағадари белгиланган. Саҳифаларда Тошкент вилоят табияти муҳофазаси қилиш комитети раиси Т. Эргашевнинг «Экологик аҳвол ҳамон ташвишли» сарлаҳали мақола-си, Р. Собировнинг «Кийик бўлоқ» новелласи, Орджоникидзе район табияти муҳофазаси қилиш комитети раиси А. Султоновнинг «Юз минг сўм жарима солинди», М. Маҳмудовнинг «Ҳачонгача булғайсиз?» деб номланган хабарлари билан танишишингиз мумкин.

Хуллас, Тошкент вилоят табияти муҳофазаси қилиш комитети наشري «Табият ва инсон»нинг туғилиши давр талаби бўлиб, у «Соф ҳаро, тиниқ сув, тоза тупроқ учун!» деган ширни кўтариб чиқади ва табияти асрашда, келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизни янада оширишда катта хизмат қилади, деган умиддамиз.

Фахриддин ПАРПИЕВ.



ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ

Ўзбекистон ССР Давлат ўрмон комитети янги ташкил қилинган Угом-Чотқол табият қўйнидаги давлат иллий боғининг

директори ва директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда ўрмончи, табиятшунос, ўсимликшунос, агроном-олим, иқтисодчи мутахассисликлари бўйича фан доктори ёки номзоди илмий ивонларига ҳамда шу соҳада камида 5 йил иш стажига эга бўлган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қўйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 49-А, Ўзбекистон ССР Давлат ўрмон комитети кадрлар бўлими.

Боғ маъмурияти манзили: Ғазалкент шаҳри, Лесхоз кўчаси

ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Жумҳурият Маърузачилар уйи обрў-эътиборли, замонавий касб эгаллашини ният қилган барча кишиларни нег итхисослати бевасича-расомларни (реълама, кўргазмалар, диван, графика, шрифтли ишлар, Урамлар, манетлар) таъёрловчи 3 ойлик яқшанбалик ва бир ойлик кундузги экспресс-дорилфунунга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Машғулотлар 72 соат ҳажмида: — 3 ойлик дорилфунунда — ҳар шанба ва яқшанба кунлари гуруҳлар бўйича соат 9.00 дан 12.00 гача; соат 12.00 дан 15.00 гача; соат 15.00 дан 18.00 гача; бир ойлик дорилфунунда — иш кунлари, юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Ҳўш яқшанбалик дорилфунунда — 1991 йилнинг 1 июнидан, бир ойлик дорилфунунда — 22 майдан бошланади. Битирувчиларга махсус диплом берилади. Ҳўшнинг муваффақиятли тугатилганга ишга жойлашишда ёрдам кўрсатилади. Бошқа шаҳардан келганлар аризага биноан меҳмонхонадан жой билан таъминланадилар. Ҳўш ва яшаш ҳақи тингловчилар ҳисобидан ҳам, ташкилотлар ҳисобидан ҳам бўлиши мумкин.

44-82-90, 44-81-90 телефонлари орқали 3 ойлик дорилфунунга; 44-55-31 телефонлари орқали 1 ойлик дорилфунунга соат 9.00 дан 18.00 гача, 67-10-00 телефон орқали соат 20.00 дан 23.00 гача олдидан ёъилиш мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 128, Марказ — 14, А. Қодирий кўчаси-13, Маърузачилар уйи, 83-хона

ЎЗССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИЛИГИ

«ТОШЭКС» ВИРЛАШМАСИ

малакали ишчи кадрлар таъёрловчи 17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ қўйидаги итхисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9 синф ҳажмида (ўқини муддати 3 йил): Кенг профилдаги станокчи, сонди программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, тонар, электр-газ пайвандчи, кўприкчи, кранларнинг машинисти, механик-йиғув ишлари чилангари, автомобиль ремонтчи чилангари.

11 синф ҳажмида (ўқини муддати 1 йил): Кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари чилангари, йиғув ишлари чилангари, автомобиль ремонтчи чилангари.

9 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар бепул кўчаллик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ оғдат, 11 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикмаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус гуруҳ ўқувчилари ишлаб чиқариш практикмасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар шартномага асосан Тошкент автомобиль йўллари институтига конкурсдан кириб ўқишлари мумкин.

Ҳўш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўланма берилади ва улар автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида воқал-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари, видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган асоб-ускуналарга эга.

Ҳўшга кириш учун қўйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиқ ҳақидаги гувоҳнома, саломатлиги ҳақида саврака, яшаш жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Манавилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Қўйишлов ноҳияси, Солиқов кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09 (4, 5, 24-троялейбусларнинг «17-Билим юрти», 3, 22, 23, 28-трамвайларнинг ва 8-автобуснинг «Старт» стадиони) бекати).

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофазаси қилиш жамияти Тошкент вилоят кенгаши «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси қайта ва изтироб билан шуни хабар қиладики, бирлашмамиз муҳаррири

Дилфуза САНГИНОВА

Фожиали равишда ҳалок бўлди. Уч нарсиде фарзанди етим қолди. Дилфузанинг оназорига, қариндош-уруғларига, уни билган ва танган дўстларига чуқур таъзия изҳор қиламиз. «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси.

Янги нашр

«ТУРК ДУНЁСИ»

Шу кунларда янги мустақил нашр бўлиши «Турк дунёси» ойнамасига олуна давом этмоқда. Унинг саҳифаларидан туркий халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётига онд лиқликлар, ўзгаришлар ва муаммолар тафсилоти жой олади. Бундан ташқари туркий миллатлар тарихи, адабиёти, этнографияси, археологияси, меъморчилиги ҳақида, уларнинг ўзаро алоқаларни хусусида қизиқарли мақолалар, тадиқотлар эълон қилинади.

Ойнама рус, озарбайжон, турк, немис, инглиз ва француз тилларида ҳар ойда бир марта нашр этилади. Обуна баҳоси 3 ойга 9 сўм, 6 ойга 18 сўм, 9 ойга 27 сўм, бир сони 3 сўм.

Ойнаманинг Давлат банки Вокс шаҳар Октябрь бўлими «Универсал» тижорат банкидаги ҳисоб номери 345110, код 161707.

Ойнама эса қўйидаги манзилгоҳда қўни топган: 370001, Вокс шаҳри, Коммунистик кўчаси, 31, «Турк дунёси». Ҳўб е кистондаги муҳбирлик пунктига 33-98-57 номерли телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Жаридага обуни бўлишга шочилинг!



Дам олиш кунлари болаларингизни уйда зериктириб ўтирманг. Фурқат номидеги болалар истироҳат боғига етаклаб борсангиз, улар ҳам ўзингиз ҳам маъза қилиб дам оласиз. Яшил олам бағрида яйраб-яшнашга нима етсин.

СУРАТДА: Истироҳат боғидаги байрам сайллари. Ҳ. СОЛИҲОВ суратга олган.

ҲАЛИГАЧА ТУЗАТИШМАДИМИ?

ра бир кун-икки кун телефон апарати «тихирлик» қилиши мумкин. Аммо сурункасига уч йил ишламаслиги иссоф доирасида эмас-да!

«8» орқали чиқолмасак ҳам тўлиб қозғон ой сайин «пуд сўраб» келиб туради.

Унда қайси телефон орқали таъмирланган ақс эттирилмади. Ҳайронлигимизни айтиб, алоқа бўлими бухгалтериясига бордим. Аниқлашганича, тўлиб қозғонган бошқа одам ўзини менинг номимга йўлланаётган экан.

Бу ҳам маъли. Райондан

ташқарига чиқиш имконини яратиб беришларини сўраб алоқа бўлими бошлиғи Ю. Сантов, бош муҳандис Р. Бисерон, бўлим муҳандиси С. Тоъилов, участка бошлиғи А. Ғоziнов ва нима маргалаб мурожаат этдим. Жонларига тегилиб шенклиди. телефон ҳақида гап очинишим билан: «И-и, ҳалигача тузатишмадимми?» дея сирли жилмайишдан бўлишди. Бу жилмайиш энди менга ҳақоратдай туюлмади. Нима қилай?

А. ИБРОҲИМОВ, Илҳач жамоа ҳўжалиғидаги Д. Вокс кўча, 12-уй, хизматчи.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖўРАБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқадир ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдои ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиб ТУЛАГОНОВА, Мухтарам УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Мухаммад Солиқ Мухаммад ЮСУФ, Ориф ЮСУФ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилади 24.30

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси.

Индекс: 64908 5407 буюртма

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

